АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 15 ЯНВАР сешанба
№ 2 (258)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

## ЖОНДАН АЗИЗ ВАТАН САРҲАДИ

Атиги ўн йил олдин Ўзбекистондан ҳарбийга сафарбар қилинган йигитларни "ҳарбийга лаёқатсиз", деган тамға остида фақат ҳарбий қурилиш қисмларига олишар эди. Ҳозир бу гап тарихга айланди. Эҳ-ҳей, кейинги ўн йил бизга нималар бермади. Уларни бирма-бир санаб адоғига етиб бўлмайди. Бугун биз сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ютуқларимизни санаб ўтирмоқчи эмасмиз. Бу ўринда биттасини таъкидламоқчимиз, холос. Кейинги ўн йилликда мамлакатимизда амалга оширилган ишларнинг энг катталаридан, энг улканларидан бири, шубҳасиз ҳарбий соҳада бўлди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган заҳотиёқ ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИГА, ЎЗБЕК ҚЎРОЛЛИ КУЧЛАРИГА асос солинди. Бундан ўн йил олдин ҳарбий техникани бошқаришга "лаёқатсиз", деб топилган ўзбек йигитлари нималарга қодир эканликларини намоён қилмоқдалар. Улар томирларида Соҳибқирон Амир Темур қони оқаётганлигини, юрт мустақиллиги, Ватан озодлиги, осмонимиз мусаффолиги учун жонларини аямасликларини Сариосиёда, Узунда, Боткентда... исботлаб бердилар. Улар Ватан деган муқаддас маъвони ҳимоя қилиш ҳар нарсадан устунлигини, киндик қонинг тўкилган тупроқ муқаддаслиги олдида жондан кечиш ҳеч нарса эмаслигини дунёга яна бир карра кўрсатиб қўйдилар.

Яна ўша ўн йилгина бурун ўтган тарихга қайтайлик. Ўзбеклардан чиққан командирлар бармоқ билан санарли эди. Бугунги армиямиз таркибига бир назар солинг, кейин айтасиз ўзбек йигитларидан чиқаётган командирлар нималарга қодирлигини...

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтиш керак: 2002 йилнинг бошланиши халқимиз учун омадли келди. Йилбошидан буён халқимиз байрам устига байрамларни нишонлаётир. Куни кеча яна шундай катта байрамларимиздан бири бўлди. Бу — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ! Кеча барча юртдошларимиз ҳимоячиларимизни шарафлади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидаги қуйидаги сўзлар ҳар биримизнинг қалбимизга муҳрланди:

**— Мана шу қутлуғ байрам кунида мен сизларга — барча ҳарбий хизматчиларга, аскарларимиз, офецер ва генералларимизга мурожаат қилмоқчиман. Барчангиз меҳрибон ота-оналарингиз, опа-сингилларингиз, ака-укаларингизнинг сизга билдирган буюк ишончи, улуғ аждодларимиз хотирасига, биз яшаётган даврга муносиб бўлинг.**

Бу сўзлар нафақат ҳарбийларимизга, балки ҳар биримизга қарата қилинган мурожаатдир. Уни ҳар бир юрт фарзанди қалбига қуяди ва Ватанни жонидан-да ортиқ кўради.

*Бугун бирон-бир куч бизнинг мустақиллигимизга, хавфсизлигимизга, халқимизнинг тинчлигига тажовуз қилмоқчи бўлса, шуни билиб қўйсинки, қудратли армиямизнинг қақшатқич зарбасига учраши муқаррар. Бунинг ягона кафолати — армиямизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, уни тубдан модернизация қилиш, энг замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлашдан иборатдир. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз фақат бир мақсадга қаратилиши даркор, яъни Қуролли Кучларимиз замон уларнинг олдига қўйётган ҳар қандай вазифани бажаришга муносиб бўлсин.*

Ислом КАРИМОВ








**14 январ — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президент Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.**

* * *

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда божхона қўмиталари, "Ватанпарвар" ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди.

* * *

**Дунё бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди: мамлакатимиз жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилоти ҳисобланмиш ЮНЕСКО томонидан 2001 йилда таъсис этилган "Тинчлик устуни" соврини билан мукофотланди.**

* * *

Вашингтон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда АҚШ Миллий кичик ва ўрта бизнес бирлашмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди.

* * *

**Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Игор Ивановни қабул қилди.**

* * *

Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай миллий армия тузишни режалаштираётганини маълум қилди.

* * *

**Афғонистон иқтисодиётини тиклаш учун яқин ўн йилда 20 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағ зарур бўлади. Токиода шу йилнинг 21-22 январ кунлари бўлиб ўтадиган халқаро конференция учун жаҳон банки томонидан тайёрланган маълумотномада ана шундай рақам қайд этилган.**

*Адлия тизими*

## БУХОРО

**Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида" ги қарорига аосан, вилоят адлия бошқармаси Бухоро шаҳар "Спарта" маъсулияти чекланган жамияти ва жамият раҳбари Н.Қаҳҳоровнинг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат этди. Шофиркон туман суди масалани адолатли тарзда кўриб чиқиб, жавобгар — Бухоро вилоят божхона бошқармаси ва бошқарма бошлиғи Н.Усмоновга нисбатан 22.000.000 сўм ноқонуний тарзда олинган қўшимча қиймат солиғини фирма ҳисоб рақамига қайтариб бериш ҳамда жамиятга келтирилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги якдил хулосага келди. Аммо иккинчи томон, аниқроғи, нуфузли идора вакиллари суднинг ҳал қилув қарорини тан олгилари келмади. Шу боисдан ҳам, улар кассация шикояти билан юқори судлов инстанцияларига мурожаат этишни маъқул кўришди.**

**Бухоро вилоят фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ушбу кассация шикоятини 2001 йилнинг 13 март куни кўриб, Шофиркон туман судининг божхона бошқармаси томонидан ноқонуний тарзда олинган 22.000.000 сўм қўшимча қиймат солиғи ҳамда божхона бошқармаси бошлиғи Н.Усмонов ҳисобидан 30.000 сўм маънавий зарар ундириш юзасидан чиқарган қарорини ажрим билан ўз кучида қолдириб, 150.000 сўм моддий зарар қисмини эса кўриб чиқиш учун Ғиждувон туманлараро фуқаролик судига юборди.**

**Юқоридаги 22.000.000 сўм ноқонуний олинган қўшимча қиймат солиғи ва 30.000 сўм маънавий зарарни ундириш юзасидан ижро варақаси берилиб, ижро ҳаракатлари Файзулла Хўжаев туманлараро фуқаролик суди томонидан олиб борилди ҳамда тўлиқ ижро қилиниб, тегишли маблағ жамият ҳисоб рақамига кўчирилди.**

**Шундан сўнг ҳам вилоят божхона бошқармаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёзма тартибда шикоят йўллаб, яна адолат юзига парда тортгилари келди. Олий суд ишни назорат тартибида кўриб чиқиб, ушбу масала юзасидан қабул қилинган суд қарорлари ва ажримини ўзгартиришга асос йўқлигини маълум қилди. Шу мазмунда Олий суд вилоят божхона бошқармасига 6-1530-2-373 – сонли махсус хатни йўллади.**

**Суд қарорлари ва ажримларининг ижросини таъминлаш шарт ва мажбурийдир. Афтидан, бу адолатли тўхтамни божхона бошқармаси мутасаддиларига яна бир карра эслатиб ўтишга тўғри келади. Вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътиборни қаратиб, ҳокимлик идораларига 26 та, хўжалик ва корхоналарга 32 та, ДСИга 7 та ва бошқа идораларга 45 та, бундан ташқари режали текширишларда аниқланган ғайриқонуний ҳаракатларни бартараф этиш бўйича 44 та тақдимномалар киритилди. Шунингдек, жиноий ва интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан ҳам қатор тақдимномалар киритилганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.**

Жамиятда ҳуқуқий саводхонликни юксалтирйшга қаратилган саъй-ҳаракатлар эндиликда унинг тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бирига айланди. Бугунги кунда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб адлия идораларига мурожаат этаётганлар кам эмас. Якунланган йилнинг 27 декабр кунига қадар вилоят адлия бошқармасига келиб тушган ариза ва шикоятларнинг сони 255 тани ташкил этди. Шундан 136 таси тўла-тўкис қаноатлантирилди, 98 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 11 таси тегишли идораларга юборилди. 10 та ариза ва шикоятлар юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбиркорларнинг манффатларини кўзлаб 167 та даъво аризаси тартибида вилоят хўжалик суди ва туманлараро фуқаролик судларига мурожаат этилди. Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 110 та тақдимномалар киритилди.

Моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик судларига киритилган 68 та аризага кўра, кўрилган зарар жавобгарлардан даъвогарлар фойдасига ундириб берилган. Бу миқдор асосан хўжалик раҳбарлари ва бошқа мутасаддилардан ундириб олинди. Моддий ва маънавий зарарни ундиришга бўлган эътибор бундан кейин ҳам кучайтирилади.

Ўтган даврда хўжалик судлари ёрдамида 99 та даъво аризасининг 76 таси, умумий судлар ёрдамида киритилган аризаларнинг 68 тасидан 31 таси қаноатлантирилган. Ундирилган моддий зарар 19.944.109 сўмни, маънавий зарар 1.834.700 сўмни, бой берилган фойда 12.285.290 сўмни ташкил этди.

*Ислоҳот ва биз*

## КРЕДИТ ОЛИШ ОСОНМИ? УНИ ҚАЙТАРИШ-ЧИ?

***Тадбиркорлик, ишбилармонлик кундалик ҳаётимизга кириб келганга қадар далада суяги қотган деҳқон ва тоғу тошлар орасида яйлов кезган чорвадорнинг бу дунёда банк деган нарса борлиги хаёлида ҳам йўқ эди. Банкка кирадиган кишилар саноқлигина бўлиб, у ҳам бўлса ё ташкилот раҳбари, асосан эса ҳисобчиларнинг иши тушадиган маскан эди, холос. Фермер хўжаликларнинг пайдо бўлиши, тадбиркорликнинг жадал ривожланиши банкларнинг фаолиятини жонлантирди. Эндиликда "банк" тушунчаси даласидан бошқа нарсани илғамайдиган деҳқону фермерларнинг кундалик эҳтиёжига айланиб қолди десак, асло муболаға бўлмас...***

Энди ҳамма кредит олай, тирикчилигимнинг уёғ-буёғини тузатай, пулни эплаб бир-икки сўм орттирай, деган тушунчага эга бўлди. Хўш, айни пайтда кредит олиш осонми? Тоғлик Бойсуннинг Паданг қишлоғида истиқомат қилувчи чорвадор Гулнора опа Абдулазизова 2 миллион кредит олиб, тоққа туташ яйловларда чорвачилик қилиш нияти билан "Пахтабанк"ка ариза ёзди. Мана, қарийб бир йилдирки, кредит оламан деб олис тоғ қишлоғидан Бойсунга, сўнг бориб-келиши 300 километрлик бўлган Термиз шаҳри йўлида қатнайвериб, чарчаган.

— Туман ва вилоят "Пахтабанк"ига қатнайвериб чарчадим, — дейди Гулнора опа, — ҳал қиламиз, янаги хафта келинг, оз қолди, деган ваъдалардан нарига ўтолмадим. Бир-икки сўм жамғариб қўйган пулим-у молимдан ажралдим.

Оддий қишлоқ аёлининг нолиганича бор. Ахир, Гулнора опа кредит олиш учун бизнес режа (олис тоғ яйловдаги чорвадор аёл безнес режанинг нималигини қаердан ҳам билсин), суғуртадан маълумотнома, шартномалар каби ҳужжатларни албатта, ўз ёнидан пул тўлаб тайёрлатган, уни банкка не-не умидлар билан топширган. Қарасаки, иш у ўйлагандек осон эмас экан. Банк томонидан унинг кредит олиши рад қилинганича ҳали ҳам не умид билан чопиб, елиб юрибди.

Баъзан кредит беришда таъмагирлик каби ярамас иллатлар учраб туриши сир эмас. Эҳтимол, айрим кишиларнинг кредит ололмай сарсону саргордон бўлаётганлигининг сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

Кредитларни бериш ва уни қайтаришда қинғирликларга йўл қўйилаётганини қандай баҳолашга ҳам ҳайронсан, киши. "Пахтабанк"нинг Термиз шаҳар бўлими бошқарувчиси У.Худойқулов "Жалолиддин" ва "Карьер" хусусий фирмаларининг олган кредитни қайтариш муддати тугагач, қарзларини "ёпиш" учун банк бошқарувчиси У.Худойқулов янгича "услуб"ни жорий этди. Яъни, "Жасур" кўп тармоқли савдо корхонаси раҳбари Улуғбек Очиловга тўлов топшириқномасига имзо қўйдириб, савдо корхонаси ҳисобидаги 5 миллион 203 минг сўмлик маблағни "Карьер" ва "Жамолиддин" хусусий фирмалари ҳисобига ўтказдириб, шу ҳисобдан кредит қарздорлигини яширган. Ушбу қинғирлик учун банк бошқарувчиси ва мутгассади ходимларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

— Биз кредит беришда доимо гумондамиз, — дейди банк бошқарувининг раҳбарларидан бири. — Банкка тақдим этилган барча ҳужжатлар расман тўғри . Кредит олишга ҳақли. Аммо қарзни олгандан сўнг... ерга кирадими, осмонга учиб кетадими, тополмай хуноб бўласан. Айримлари эса тўлашга қурби етатуриб, қочиб юришади...

Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Термиз туман ҳокимининг 250/46 сонли 2000 йил 8 май кунидаги қарорига асосан ташкил этилган "Жонибек" деҳқон хўжалиги (раҳбари Низомиддин Омонхонов) Сурхондарё вилоят бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан ажратилган маблағ ҳисобига "Пахтабанк"нинг Учқизил бўлими томонидан 2000 йил 15 августда тузилган ўзаро шартномага кўра 8 фоизлик уч йиллик тўлов муддати билан 10 миллион сўмлик кредит олган. Деҳқон хўжалиги ушбу маблағ ҳисобидан лимонария иссиқхоналарини тиклаши лозим эди.

Хўжалик эса олинган кредит учун банкка 2000 йил декабрь ойида 299,9 минг, 2001 йил апрель ойида 266,6 минг, июль ойида 199,9 минг, август ойида 66,6 минг, кейинги ойлар билан жами 1 миллион 99 минг 600 сўм фоизларни тўлаши шарт эди. Аммо... Банк фоизларни тўлашни истамаган деҳқон хўжалик раҳбари устидан вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритишга мажбур бўлди.

***(Давоми иккинчи бетда)***

*Таклиф, талаб, мулоҳаза*

## АДВОКАТУРА

### УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА

**ДАВРА СУҲБАТИ**

***Истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли мамлакатимизда инсон шахси, шаъни, қадр-қиммати ва эркинлиги олий қадрият даражасига кўтарилди. Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, эркин фаолиятни рағбатлантиришнинг мустаҳкам ҳимоя тизими яратилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилищда ҳам ўзига хос йўлдан борилмоқда. Кези келганда шуни эътироф этиш жоизки, 2001 йилдан эътиборан бу йўналишдаги ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг янги фасли бошланди. "Судлар тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги қонунлар (янги таҳрири), "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун, хусусан, "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида"ги қонуннинг кучга киритилиши муносабати билан ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг янги босқичига қадам қўйилди.***

***Табиийки, суд-ҳуқуқ йўналишидаги қонунларнинг такомиллаштирилиши адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятига оид қонунларни ҳам уйғунлаштириш, янгича назар билан қараб чиқишни тақозо этади.***

***Истиқлол даврида адвокатура тизими тубдан қайта ташкил қилиниб, фуқаролар ҳамда юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг бозор муносабатларига мос бўлган адвокатлик бюролари, адвокатлар ҳайъати ва фирмалари каби янги шакллари вужудга келди. Адвокатура ва адвокатнинг ҳуқуқий мақоми кенгайтирилди. Адвокатлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, адвокатура тизими мустақиллигининг ҳуқуқий асослари яратилди. Адвокатура мустақил ҳуқуқий институт сифатида жамиятни ривожлантириш, фуқаролар ҳуқуқий онгини шакллантириш ҳамда ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ишончли ва умидбахш тизимига айланди.***

***Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларига қанчалик чуқурроқ кириб борилар экан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Хўш, жамият бугун адвокатурадан нималарни кутмоқда ёки давлат унинг мавқеини янада кўтариш учун нималар қилмоғи керак? Ҳукуматимиз, жумладан, Адлия вазирлиги томонидан бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2001 йилнинг декабр ва 2002 йилнинг январ ойида вазирлик марказий аппаратида бўлиб ўтган йиғилишларда бевосита шу масалалар муҳокама қилинди. Вазирлик ҳузурида адвокатларнинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш, уларнинг давлат органлари билан муносабатлари ва чет эл тажрибасини ўрганиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, тадбирлар режаси қабул қилинди. Унда жумладан, адвокатура тўғрисидаги ва бошқа тегишли қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, шу соҳа фаолиятини янада яхшилашга қаратилган миллий стандарт (концепция) ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, адвокатларнинг касб малакасини узлуксиз ошириш бўйича ўқишлар ташкил этиш, адвокатларнинг мавқеини янада кўтариш, иш шароитлари, молиявий, моддий техника имкониятларини кенгайтириш масалалари кўзда тутилганки, бу тадбирлар ҳам адвокатура тизимини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади, деган фикрдамиз.***

***Шу муносабат билан таҳририят яқинда бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар ва адвокатлар иштирокида давра суҳбати ўтказди. Унинг тафсилотлари 3-бетда эълон қилинмоқда.***

**Давра суҳбати иштирокчилари қуйидаги саволлар атрофида фикр-мулоҳаза юритишган бўлиб, бу сизларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган фикрдамиз.**

1. Адвокатура тизими жамият тараққиётига қандай ҳисса қўшмоқда?

2. Адвокатлар бюроси, ҳайъатлари ва фирмалари ҳаётда қандай ўрин топмоқда? Уларнинг истиқболини қандай тасаввур этасиз?

3. Адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеи ва ваколатларини прокуратура идоралари билан тенглаштириш борасидаги қонунчилик амалиётини қандай баҳолайсиз?

4. Адвокатура тўғрисидаги қонунларнинг амалий ижроси қай даражада кечмоқда? Уларни янада такомиллаштириш зарурати етилди, деб ҳисоблайсизми?

5. Сизнингча, амалиётда адвокатнинг процессуал жараёндаги мустақиллиги қай даражада кафолатланган?

6. Адвокатура тизимини солиққа тортиш, адвокатни ижтимоий ҳимоялаш тизимидан кўнглингиз тўладими?

7. Адвокатура тизимида инсон омилини рағбатлантириш сизни қаноатлантирадими? Унинг обрўсини кўтариш учун яна нималарга эътибор берилиши керак?

8. Сизнинг фикрингизча, адвокатура фаолиятида хорижий тажрибалардан қай даражада фойдаланилмоқда? Миллий анъаналардан-чи?

9. Адвокатура тизимининг самаралироқ ишлаши учун яна нималар қилинмоғи керак, деб ҳисоблайсиз?

10. Адвокатура институтининг истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

***(Давоми учинчи бетда)***

***Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомина тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз. Ҳар қандай суд жараёнида, жиноий иш кўрилаётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади. Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради.***

**Ислом КАРИМОВ**

*Таклиф, талаб, мулоҳаза*

# АДВОКАТУРА

## УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА

*ДАВРА СУҲБАТИ*



**Турсунбой ТОЖИЕВ,**
**юридик фанлари доктори**

Халқимиз ўз олдига ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишни мақсад қилиб қўйган экан, бу кутлуғ ишда адвокатура фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, жамиятимизда адвокатларнинг ўрни ҳали талаб даражасида эмас эканлигига амин бўламиз. Ваҳоланки, юксалиш даври адвокатларимиз олдига катта талаблар қўймоқда. Хўш, адвокатларимиз бугунги талабларга қай даражада жавоб бера олаяптилар?

Дарҳақиқат, юксалиш даври ҳуқуқ-тартибот ходимлари олдига бугунги кунда катта талаблар қўймоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш зарур. Адвокатлик энг олийжаноб ва шарафли касб ҳисобланади. Чунки у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Бу эса адвокатдан катта меҳнат, билим ва тажриба, қолаверса, тинимсиз изланишни талаб этади. Айбни топиш, уни кўрсатиш қийин иш. Лекин айбдор деб тахмин қилинаётган шахснинг айбсиз эканлигини қонуний равишда исботлаб бериш ниҳоятда мушкул. Шунинг учун ҳам адвокатлар айбловчиларнинг бу ўриндаги хато ва камчиликларини кўрсатиб бера олиши учун уларга нисбатан кучли билимга эга бўлишлари тақозо этилади. Мустақиллик шарофати билан янгидан-янги қонунлар, низомлар ишлаб чиқилмоқда. Адвокат биринчи навбатда уларни ўз вақтида ўзлаштириб, амалга тадбиқ эта билиши лозим. Тан олиш керак, ҳамма адвокатлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олаётгани йўқ. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд.

Баъзи ҳолларда тергов ишлари холисона олиб борилмаётгани, бунинг оқибатида ҳақиқий иш ҳолати аниқланмай қолаётгани, қуйи суд жараёнларида холисона аниқланган далил-исботларга асосан ҳукм чиқариш ўрнига дастлабки тергов материалларига биноан адолатсиз ҳукмлар чиқариш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу қонун бузилишларига нисбатан фуқаролар ва уларнинг ҳимоячилари томонидан ёзилган эътирозлар ва шикоятлардаги асосий важлар инобатга олинмасдан қолаётганлиги ҳимоямизда бўлган фуқароларни, уларнинг оилалари ва яқин қариндошларини ташвишга солмай қолмайди.

Баъзи ҳолларда суд, тергов жараёнларида адвокатларнинг холисона, қонуний фикр-мулоҳазалари эътиборга олинмасдан, қонунларимизни менсимасдан адолатсиз ҳукмлар чиқариш ҳоллари учраб туради. Бунинг оқибатида айрим фуқаролар яқин қариндош-уруғлари ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўради.

*1997 йилда мамлакатимизда 1650 нафар адвокат фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони қарийб 3 минг кишига етди.*

Адвокатларимиз савиясини ривожланган демократик давлатларда фаолият кўрсатаётган адвокатлар даражасига олиб чиқиш учун, аввало, қонун устуворлигига қатъий риоя қилишимиз зарур. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, қонунни ҳимоя қилувчи органлар фақат қонун нуқтаи назаридан туриб, иш кўришлари, шунингдек, ўз касб маҳоратларини янада ошириб боришлари лозим. Шу билан биргаликда судлар адвокатура идораларининг фикр ва мулоҳазалари билан ҳисоблашсалар мамлакатимизда адвокат мавқеининг ошишига, фуқароларнинг эса айбсиз айбдор бўлиб қолишларининг олди олинишига катта ҳисса қўшган бўлар эдилар.



**Бобоқул ТОШЕВ,**
**юридик фанлари номзоди**

Маълумки, адвокатура ҳам нодавлат, нотижорат ташкилот ҳисобланади ва ўз фаолиятини шу соҳа қонунлари асосида юритади. Шунингдек, адвокатура (адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирма ва бюролар) ҳуқуқий институт ҳам ҳисобланади. Адвокат эса суд-тергов жараёнининг процессуал иштирокчисидир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1998 йил 5 декабрда Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида фуқаролар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлишлари тўғрисида таъкидлаб гапирган эди.

Кўриниб турибдики, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда адвокатуранинг жамиятда мавқеини янада кўтариш лозим бўлади. Ҳақиқатан ҳам, адвокатура давлат органлари — суд, прокуратура, маъмурий идоралар билан мувозанатни сақлаган ҳолда ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун кенг жалб қилиниши лозим. Адвокатурани ҳуқуқий институт сифатида мақомини аниқ белгилаб олиш учун амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш лозим. Масалан, кўпгина хорижий мамлакатларда суриштирув ва тергов ишлари ҳам терговчилар томонидан, ҳам адвокатлар томонидан амалга оширилади.Суд муҳокамасига далиллар билан асослантирилган бири айблов, иккинчиси оқловга йўналтирилган иккита иш тақдим этилади. Суд тергови даврида қайси томоннинг тақдим этган иши ҳужжатли ва ашёли далиллар билан тасдиқланса, шу иш асос қилиб олинади. Амалдаги процессуал қонунчилик адвокатларимизга ишга дахлдор бўлган ашё ва далилларни тўплаш, тақдим этиш ва тегишли тартибда суд-тергов ишларида қатнашиш ҳуқуқини мустаҳкамлаган. Адвокат ўзининг ҳимоясидаги шахснинг илтимоси ва талабига кўра терговчи (суриштирувчи) каби процессуал ҳаракатлар (сўроқ, юзлаштириш, экспертиза тайинлаш ва бошқалар)ни ўтказиш каби муҳим, ҳимоясидаги шахснинг айбдорлик ёки айбсизлик даражасини етарлича аниқлаш имкониятига эга эмас. Қонунчиликда муқобил иш юритиш нормаси белгилаб қўйилса, адвокатуранинг мавқеи янада оширилган бўларди.

Адвокатура демократик институт сифатида инсон ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. Шу жиҳатдан фуқаролар хўжалик, маъмурий, фуқаролик ишларида ҳам адвокат ёрдамидан кенг фойдаланадилар. Адвокатлик фирмалари, бюролари, ҳайъатларнинг хизмат бинолари, фуқароларни қабул қилиш жойларини уларнинг хоҳишига кўра ҳокимликлар, турар-жой фонди эгалари ёрдамида жойлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ кўринади. Ваҳоланки, Конституциямизнинг 58-моддасида **“Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонун манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради”,** деб белгилаб қўйилган. Фуқаролар ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятни янада кенгайтириш ҳар томонлама адвокатура идораларига ҳам боғлиқ.

Адвокатнинг мавқеи у томонидан ўз фойдасига ҳал этилган ишларнинг сони, сифати ёки шовшувга сабаб бўлгани ёхуд оладиган ҳақи билан эмас, балки жамиятдаги ижтимоий, сиёсий фаоллиги билан белгиланмоғи лозим. Шунда биз адвокатуранинг ҳақиқий мақсад сари бораётган йўлини аниқлаб олишимиз, ўтказилаётган ҳуқуқий ислоҳотлардаги ўрнини белгилашимиз, малакали, етук кадрлар тайёрлашда бу идорадан ўринли фойдаланган бўламиз.



**Шавкат ЖУМАМУРАТОВ,**
**профессор**

Жиноят-процессуал Кодексининг 53-моддасига асосан ҳимоячи: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаш ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши шарт.

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли эмас. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Демак, шахс жиноятни содир қилишда гумон қилинса ёки айбланса-да, лекин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаргунга қадар у қонун бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи деб ҳисобланмайди ва у ҳозирча ҳимоячи таклиф қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Хўш, бу жараён амалда қандай кечади?

Айрим ҳолларда терговчи барча тергов ҳаракатларини (ҳимоячининг иштирокисиз) ўзи олиб боради. Терговни тугатишдан бир-икки кун илгари айбланувчи шахсни айбдор тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқаради. Шундан сўнг айбланувчини айбдор тарзида охирги марта сўроқ қилинади. Бу сўроққа ҳимоячи ҳам жалб қилинади. Ва шу билан тергов жараёни ниҳоясига етган ҳисобланади.

Кўпчилик демократик давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳуқуқ-тартибот органларига чақирилган ҳар қандай шахс (айбланувчими, гумондорми, жабрланувчими) ўз адвокати билан келишга ҳақли. Табиийки, ҳимоячи дастлабки тергов жараёнларида бевосита қатнашади. Содир этилган воқеа тафсилотларидан кўпроқ хабардор бўлиб, ўз ҳимоясидаги шахснинг жавобгарлигини енгилаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун (қонунда белгиланган) барча восита ҳамда усулларни қўллаш имкониятига эга бўлади.

Бизда эса баъзи адвокатлар дастлабки тергов ҳаракатларида бевосита иштирок этмагани учун ЖПКнинг 53-моддасида ўзига берилган ваколатлардан ўз вақтида тўлиқ фойдалана олмайдилар. Ушбу муаммони бартараф этиш учун ЖПКнинг тегишли моддаларига “Ҳимоячи қайси бир шахс устидан, у жиноятни содир этганлиги тўғрисидаги хабар ҳуқуқ-тартибот органларига келиб тушган кундан эътиборан иштирок этишга ҳақли”, деб ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Ҳимоячиларнинг мақоми ва процессуал ваколатини прокурорларники билан тенглаштириш керак, деган фикр ҳам айтилмоқда.

Агар ҳимоячи суд ҳукми (қарор) нотўғри чиқарилган деб ҳисобласа, бу тўғрида у фақат аппеляция (кассация) шикоятчи киритишга ҳақли, унинг бу шикояти рад этилса, юқори судга шикоят билан мурожаат қилади. Одатда, бу жараён шундай кечади: тегишли суд адвокатнинг шикоятига асосан юқори инстанция судига протест киритиши ёки рад этиши мумкин. Прокурор эса назорат тартибида тўғридан-тўғри протест киритишга ҳақли ва бу протест юқори суд инстанцияси томонидан албатта кўриб чиқилиши шарт. Ҳимоячининг шикояти юқори суд инстанцияларида тўғридан-тўғри кўрилмайди, прокурор протести эса назорат тартибида кўрилади.

Ҳимоячи билан прокурорнинг ушбу жараёнидаги ваколатларини тенглаштириш мақсадида ЖКПнинг 511-моддасига ўзгартириш киритиб, “Қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар таркибига ҳимоячини ҳам киритиб, у шикоят киритиш ҳуқуқига эга”, деган сўзлар қўшилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**“Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”**ги Қонуннинг 10-моддасида адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади, деб кўрсатилган. Шу модданинг ўзида адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғини адвокатура ўз маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилади, дейилган.

Қонуннинг 11-моддасида эса адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади, деб қайд этилган.

Адвокатларнинг меҳнатига ҳақ кўрсатилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан адвокатлар бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан тўланади.

Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Адвокатурага маблағлар фақат адвокатлар мижозлардан олгандагина тушади.

Адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғи адвокатуранинг маблағидан мажбурий суғурта қилинса, демак, адвокат ўзини ўз маблағига мажбурий суғурта қилаётган бўлади.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг 10-моддаси иккинчи қисми “адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан суғурта қилинади”, деган таҳрирда берилса, қонуннинг моҳияти янада ошган бўлар эди.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига асосан даъвогарларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш тўғрисидаги масала бевосита адлия бошқармалари ҳузурида тузилган малака комиссиялари томонидан кўриб чиқилади. Малакали комиссияси — адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш бўйича иш олиб бориш билан бирга, уни бекор қилиш масалалари билан ҳам шуғулланади. Хўш, бу борада Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузурида ташкил этилган малака комиссияси қандай ишларни амалга оширмоқда?

**“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги **“Адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисида”**ги 139-сонли қарорининг қабул қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан адлия бошқармаси ҳузурида 12 кишидан иборат малака комиссияси тузилган.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонун талабларини ва адвокатлик фаолиятига оид бошқа қонун ҳужжатларини бузганлиги учун малака комиссиясининг қарорига асосан:

а) огоҳлантириш;

б) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш;

в) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш каби интизомий чоралари қўлланилиши мумкин.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссияси томонидан 1997 йилдан шу кунга қадар жами 1560 нафар шахсга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилган. Улардан 16 шахсга берилган лицензиялар бекор қилинган.

Жумладан, адвокат Ж. Ширинкина адвокатлик фаолияти давомида ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан судланганлиги, адвокат К.Гуламов Тошкент шаҳар Миробод туман судининг ҳукмига асосан ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми, 237-моддаси 2-қисми, 117-моддаси 3-қисми билан судланганлиги сабабли, Ш. Адилов адвокатлик фаолияти давомида ғазна интизомини бузганлиги учун **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонуннинг 14-моддасига асосан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялари малака комиссиясининг қарорига асосан бекор қилинган.

Бундан ташқари, ўтган 5 йил орасида 7 нафар адвокатга нисбатан малака комиссиясининг қарорига асосан огоҳлантириш ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги интизомий чоралар қўлланилди.

Адлия бошқармаси томонидан 1997 йилдан шу кунга қадар 67 та адвокатлар бюроси, 59 та адвокатлар фирмаси, 3 та адвокатлар ҳайъати (жами 129 та) давлат рўйхатидан ўтказилган. 19 та адвокатлар бюро ва фирмаси эса қайта давлат рўйхатидан ўтказилди. 1 та адвокатлик фирмаси тугатилди.

Малака комиссияси адвокатларнинг касбий билим ва малакаларини мунтазам ошириб бориш, уларнинг адвокатура фаолиятига оид қонун ва бошқа ҳужжатларга амал қилишини ўрганиб, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиб бормоқда.

**Ш. ЁҚУБЖОНОВА,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

*Адвокат тегишли малака комиссиясининг мажлисида қуйидаги мазмунда қасамёд қилади: “Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан”.*

**“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонун, 3-моддаси**



**Омон ОҚЮЛОВ,**
**юридик фанлари доктори**

Мен ривожланган мамлакатларда адвокат энг нуфузли касблардан бири эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Дунёнинг бир қанча тараққий этган давлатларида адвокатлар нафақат кишиларга юридик ёрдам берувчи фаолият мутахассислари, балки адвокат қонунни яхши билиши, энг низоли, мураккаб масалалар бўйича қонунга, адолатга асосланган ечимлар ишлаб чиқиш қобилиятига эгалиги (бу ҳар қандай адвокатга хос бўладиган касбий маҳорат хусусияти ҳисобланади) сабабли бошқа касбдаги шахсларга нисбатан давлатни бошқариш, сиёсий фаолият, қонун чиқариш фаолияти билан шуғулланиш имконияти ва тайёргарлик даражаси анча юқори.

Тергов ва суд жараёнида ҳам адвокатнинг мавқеи прокурор мавқеидан кам эмас. Энг асосийси, адвокат ҳуқуқлари кафолатланган ва уни амалга оширишга рухсат бериш бошқа шахс — терговчи, прокурор ёхуд судьянинг хоҳиш-иродасига, майлига деярли боғлиқ эмас. Далиллар тўплашда, тақдим этишда адвокат айрим процессуал ҳаракатларни мустақил содир этишга ҳақли. Фуқароларда ҳам адвокатга нисбатан мустаҳкам ишонч мавжуд. Шу сабабли ҳам мушкул вазиятга тушиб қолган шахс дарҳол адвокат ёрдамига кўз тикади. Агар фуқаро муайян шахс — низоли масала бўйича рақиби, терговчи қаршисида ўзини ожиз ёки ноқулай сезса, дарҳол мулоқотни тўхтатиб, “мен сиз билан ўз адвокатим орқали гаплашаман”, деб айтади.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг муайян қисми ўз адвокатларига эга, яъни шахс билан муайян бир адвокат ўртасида доимий, барқарор алоқа мавжуд. Баъзи ҳолларда адвокат оилавий адвокат бўлиб, ушбу оиланинг энг ишончли, барча сир-асрорларидан хабардор кишисига айланади. Бу ҳам адвокат мақомининг ўзига хос хусусиятидир. Жамиятимизда адвокатура ва адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини оширишда хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан ўрни-ўрни билан фойдаланилса, айни муддао бўлур эди.

Албатта, жамиятда адвокат нуфузининг юқорилиги ўзининг тарихий илдизларига ҳам эга.

Ўтмишда адвокат ёки шунга ўхшаш вазифани бажарувчи шахс бўлганми, деган савол туғилиши табиий. Мен бу масалани чуқур билмайман, лекин қозихоналарда “аълам”лар бўлганлиги, улар даъвогар ва жавобгарларга ҳуқуқий ёрдам берганлари, айниқса, фатволар, изоҳлар, тушунтиришлар берганн ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд деб айтиш мумкин. Умуман олганда, мадрасаларда “илми фиқҳ” (ҳуқуқ илми) ҳар қандай таълимнинг таркибий қисми ҳисобланганини назарга олсак, кишиларга юридик ёрдам бериш ҳар қандай мадраса кўрган кишининг қўлидан келган, деб айтиш мумкин.

Бундан ўтмишда адвокат касби бўлмагани сабабли у халқимиз менталитетига зид деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Бугунги адвокат ҳуқуқий мақомини шакллантириш, адвокат ахлоқий-касбий мезонларини ишлаб чиқишда халқимизнинг ҳалоллик, инсоф, адолат, одиллик, бағрикенглик каби хусусиятлар ўз ифодасини топмоғи мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат органлари, балки адвокатура томонидан ҳам ҳар томонлама ҳимояланади. Адвокатура ўз фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу қоида Конституциямизда ўз ифодасини топган. Бош Қомусимизнинг 116-моддасида: **“Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади”** дея қайд этилган. Демак, адвокатни фуқаролик ишлари бўйича тарафларнинг вакили сифатида иштирок этиши — бу фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш соҳасидаги конституцион ҳуқуқларининг амалга оширилишидир.

Фуқаролик низоларини ҳал қилишда судда бевосита вакиллик қилиши мумкин бўлган шахс бу — адвокатдир. Фуқаролар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш асосий вазифаси бўлган ҳамда жамоат ташкилотининг аъзоси деб ҳисобланган адвокатлар ўз фаолиятининг кўп қисмини судда низолари ҳал қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга бағишлайди. Бундай ҳимоя уларни суд жараёнида вакил сифатида иштирок этиши билан амалга оширилади.

Фикримизча, вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ичида адвокатни вакил сифатида танлашнинг бир қатор ижобий томонлари мавжуд, чунки адвокат у нафақат мутахассис, ҳуқуқни яхши ва ҳар томонлама билувчи шахс, балки эркин фикрга эга бўлган, турли ҳуқуқий инстутларни илмий таҳлил қила оладиган ҳамда улардан кераклигини мижознинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга танлай оладиган малакали ҳуқуқшуносдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, адвокат фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилар экан, бу билан у инсон ва жамият учун катта аҳамиятга эга бўлган вазифани бажаради, қонун устуворлигини, уни жамиятнинг барча аъзолари томонидан бажарилишини амалга оширишда кўмаклашади.

Адвокатнинг биринчи инстанция судида иштирок этиши судга қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат этган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, адвокатнинг процессда иштирок этиши судга иш бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори чиқарилиши ҳамда одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Кузатишларимиз шундан далолат берадики, фуқаролик ишлари бўйича ишда иштирок этувчи адвокатларнинг фаоллиги жиноят ишларидаги иштирокига қараганда анча суст. Бунинг сабаби шундаки, фуқаролик процессида адвокат фақатгина вакил сифатида иштирок этиши мумкин. Бу борада фуқаролик ишларида уларга кенг йўл очиб берилиб, Фуқаролик-процессуал кодексида адвокатнинг фуқаролик процессида иштироки ва унинг процессуал ҳуқуқлари ва бурчлари бўйича тегишли моддалар киритилса, фуқаролик процессида адвокатнинг ролини янада ошириш мумкин бўларди.

Бизнингча, адвокатларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини янада ошириш учун ФПКнинг тегишли моддаларига қуйидаги ўзгартиришлар киритилиши лозим. ФПКнинг 355-моддасида: **“Зарур ҳолларда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар”**, деб таъкидланган. Ушбу моддада белгиланган тартиб назорат инстанцияси судида процесс иштирокчиларининг айримларини ҳисобига бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари чекланишига имконият туғдиради. Бу қоида процесс иштирокчиларининг бир тарафига суд жараёнида қатнашиб, илтимоснома, тушунтириш ва судни рад этиш ҳуқуқларини берса, иккинчи томон бундай ҳуқуқлардан фойдалана олмайди. Ушбу тартибга биноан зарур ҳолларда томонлар (тарафлар) ва иштирок этувчи шахсларни судга таклиф қилиш тегишли суднинг ёки суд мажлисида раислик қилувчининг ихтиёрига боғлиқ.

Иш судда назорат тартибида кўрилаётган экан, унда прокурорнинг иштироки зарурий шарт ҳисобланади. Бизнингча, адвокатни ҳам ушбу жараёнда бевосита иштирок этишига имкон бериш керак. Мазкур қоида ФПКда мустаҳкамлаб қўйилса, янада яхши бўларди.

Ривожланган демократик давлатларнинг адвокатура тўғрисидаги қонунларини ўрганиш ва адвокатнинг хулқ-атвори қонунчилик, одил судлов ҳамда адвокатура ҳақидаги умумий тасаввурни вужудга келтириш мақсадида **“Адвокатура тўғрисида”**ги қонуннинг 3-моддасига қуйидаги қоидани киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз: “Қадр-қиммат ва ахлоққа тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларни содир этган, ўзини ножўя хатти-ҳаракатлари билан адвокатура обрўсига доғ туширaётган шахслар адвокатликка қабул қилинмайдилар. Маъмурий ёки интизомий жавобгарликка асос бўлувчи хатти-ҳаракатларни содир этган (ваколатларидан маҳрум қилинган, вазифасидан четлатилган) шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди”.

**Комила НАСРЕТДИНОВА,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**



**Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,**
**ТДЮИ ўқитувчиси,**
**адвокат**

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш конституциявий қоида ҳисобланади. **“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”**ги Қонуннинг 9-моддасида **“Ҳар ким ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ёрдам сўраб ўзи хоҳлаган ҳар қандай адвокатга мурожаат қилишга ҳақлидир.**

**Ушлаб турилган шахсга, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумга адвокат билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароит таъминланиши лозим”**, дея таъкидланган.

*Мамлакатимиз аҳолисининг ҳар юз минг кишисига 12 нафар адвокат тўғри келади. 1996 йилда ҳар юз минг кишига 7 нафар адвокат тўғри келарди.*

Адвокатура тўғрисидаги ва жиноят-процессуал қонунчилигида фуқароларга юридик ёрдам кўрсатишни таъминлаш кафолатланган бўлиб, бу жараён адвакатура тизими ва адвокатлар орқали амалга оширилади. Етти йиллик адвокатлик тажрибамдан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги қонунларимиз узлуксиз такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, уларнинг мазмун-моҳияти фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шахснинг шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътиборини кўтаришга қаратилган. Лекин уларнинг амалий ижросида баъзан камчиликлар ҳам сезилиб қолади. Масалан, Жиноят-процессуал қонунчиликни олайлик. ЖПКда адвокатнинг процессуал жараёндаги ваколатлари белгилаб берилган бўлса-да, амалиётда баъзи ҳолларда адвокатлар ўз ваколатлари доирасида мустақил ҳаракат қила олмайдилар. Натижада эса ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларда ҳимоячига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади.

Хўш, бу иллатнинг илдизи нимада? Буни адвокатнинг ўзига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган томонлари бор. Масаланинг адвокатга боғлиқ жиҳати шундаки, унда гарчи шахсни ҳимоя қилиш вазияти етарли бўлса-да, баъзан мақсадини тўла-тўкис бажара олмайди. Яъни унда зукколик, зеҳн, профессионал малака ва қатъият етишмагандек бўлади. Иккинчи ҳолат эса унинг ўзига алоқадор эмас. Гап шундаки, баъзан ҳимоячи суриштирув ва дастлабки тергов жараёнига жалб қилинмай қолган ҳоллар ҳам учраб туради. “Масала деярли ҳал бўлган”дан сўнггина у бу процессуал ҳаракат иштирокчисига айланади. Айтайлик, адвокат экспертиза ва тергов экспериментида, сўроқ пайтида қатнаша олмайди. Айрим ҳолларда адвокатнинг суриштирув ва тергов жараёнидаги иштироки суриштирувчи ҳамда терговчининг хоҳишига кўра амалга оширилади. Ҳолбуки, қонунда ҳимоячининг илтимоси билан экспертизани қайта ўтказиш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Борди-ю, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, адвокат у билан холи учрашиш учун ҳар гал терговчи ёки судьядан рухсат олиши талаб қилинади. Юқоридаги процессуал ҳолатларда қонун талаблари бузилмоқда. Биз ўзимизга боғлиқ бўлмаган ҳолатда сунъий равишда терговчи ёки судьянинг иродасига тобе бўлиб қолаяпмиз.

Масаланинг учинчи жиҳати фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси билан боғлиқ. Табиийки, ҳар қандай одам ҳам процессуал қонунчилик билан чуқур таниш бўлавермайди. Бу ҳам ўз навбатида суд жараёнини адолатли ҳал бўлишида таъсир ўтказиши мумкин.

Адвокат сифатида айтишим мумкинки, адвокатура тизими ҳали даврнинг юксак талаблари даражасида фаолият кўрсата олганича йўқ. Мисол тариқасида адвокат фаолиятини рағбатлантириш тизимини таҳлил қилиб кўрайлик. Адвокатлар малакасини ошириш, ўқитиш, уларнинг ихтисослашуви бозор муносабатлари қонуниятларига мос равишда йўлга қўйилиши лозим. Бозор кўникмалари ҳимоячилардан ҳар томонлама чуқур билим, профессионал малака ва шижоатли бўлишни талаб этмоқда. Шунга эришайликки, одамларнинг бизга бўлган ишончи сўнмасин, аксинча, кучайсин.

Саҳифани Ҳусан ИБРОҲИМОВ тайёрлади

